

## Украинада Қуръон мусобақаси натижалари эълон қилинди



17:10 / 19.11.2018 2778

Украина мусулмонлари диний идораси 2018 йилги Қуръон мусобақаси натижаларини эълон қилди. Ушбу мусобақа Украина пойтахти Киев шаҳридаги Ислон цивилизация марказида ноябрь ойининг 10-11 кунлари бўлиб ўтди. Мусобақада эркаklar, аёллар ва ёш болалардан иборат саксондан зиёд иштирокчи қатнашди. Унга кўра қуйидаги иштирокчилар ғолибликни қўлга киритишди:



*Иккинчи ўрин: Абдурроҳман Утфаъдин.*

*Учинчи ўрин: Жамолиддин Камолиддин.*

**Қуръони каримнинг ярмини ёд олиш бўйича:**

*Биринчи ўрин: Иброҳим Абдулҳаққ.*

*Иккинчи ўрин: Абдурроҳман Баннаҳ.*

*Учинчи ўрин: Ёро Анжор.*

Қуръони каримнинг 10 жузъини ёд олиш бўйича фақат битта ўрин бўлиб, уни Ҳадича Сатиров қўлга киритди.

**Қуръони каримнинг 5 жузъини ёд олиш бўйича:**

*Биринчи ўрин: Салаҳ Биҳаяҳ.*

*Иккинчи ўрин: Салоҳиддин Лашейн ва Муҳаммад Салома.*

*Учинчи ўрин: Оиша Комилова ва Иззат Абдушшукур.*

**Ёш болалардан ғолиб бўлганлар:**

*Биринчи ўрин: Аҳмад абу Араб.*

*Иккинчи ўрин: Иброҳим Коритов.*

*Учинчи ўрин: Саид Юнус.*

*Тўртинчи ўрин: Яъқуб Иброҳим.*





Ушбу мусобақанинг очилиш маросимида Украина ижтимоий институтлар уюшмаси раиси Сирон Орипов сўз олиб, мусобақа иштирокчиларини муборакбод этди. Мусобақа якунида у барча ташкилотчилар, иштирокчилар ва ҳайъат аъзоларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Таъкидлаш лозимки, ушбу мусобақа Украина ижтимоий институтлар уюшмаси, Ислом олами робитаси ва халқаро Қуръони каримни ёдлатиш ташкилоти кўмагида Украина мусулмонлари диний идораси (Умма) томонидан ташкил этилди.

***Islom.uz* портали тахририяти**